



« 20 » январ 2016 й.

Наманган шаҳри 15 -сонли

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ишончли химоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштириш мақсадида вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида тадбиркорлар учун “Очиқ эшиклар куни”ни ташкил этиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли химоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли Фармони ҳамда Наманган вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ҳамда вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш дастурларининг ижросини таъминлаш юзасидан вилоят ҳокимлиги ишчи режасининг VI-бўлим, 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Наманган вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ҳамда вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш дастурларининг ижросини таъминлаш юзасидан вилоят ҳокимлиги ишчи режасининг VI-бўлим, 2-банди ижро учун қабул қилинсин.

2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ишончли химоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштириш мақсадида вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида ҳар ойда икки маротаба, ойнинг биринчи ва учинчи жума кунлари тадбиркорлар учун “Очиқ эшиклар куни” ташкил этилсин.

3. Шаҳар ва туман ҳокимликларига:

“Очиқ эшиклар куни”нида тадбиркорларнинг мавжуд муаммоларини ўрганиш, уларни ҳокимлик ҳамда соҳага алоқадор ташкилотлар томонидан қонунда белгиланган тартибда ҳал этиш чораларини кўриш;

Тадбиркорлик субъектларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, айниқса тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти юзасидан доимий равишда кенг тушунтиришлар бериб бориш;

3. Шаҳар ва туман ҳокимликларига:

“Очиқ эшиклар куни”нида тадбиркорларнинг мавжуд муаммоларини ўрганиш, уларни ҳокимлик ҳамда соҳага алоқадор ташкилотлар томонидан қонунда белгиланган тартибда ҳал этиш чораларини кўриш;

Тадбиркорлик субъектларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, айниқса тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти юзасидан доимий равишда кенг тушунтиришлар бериб бориш;

Ўтказилган “Очиқ эшиклар куни” якунлари юзасидан тадбир бўлиб ўтгандан сўнг 2 кун муддатда мониторинг юритиш учун Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси вилоят ҳудудий бошқармасига маълумот тақдим этиб бориш вазифаси юклатилсин.

4. Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси вилоят ҳудудий бошқармасига ҳудудларда ўтказилган “Очиқ эшиклар куни” тадбири юзасидан берилган маълумотларни умумлаштириб, ҳар ой якуни билан вилоят ҳокимлигига ахборот киритиб бориш тавсия этилсин.

5. Вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари ҳамда тадбиркорларга хизмат кўрсатувчи идораларга ишонч телефонлари орқали тадбиркорлардан келиб тушган муаммоларни тезкор равишда ҳал этиш чораларини кўриш вазифаси юклатилсин.

6. Вилоят Телерадиокомпанияси (У.Мамадалиев), “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталари (М.Парпиев, В.Бичурин)га мазкур қарорни кенг халқ оммасига етказиш мақсадида расман эълон қилиш ҳамда жойларда ўтказилаётган “Очиқ эшиклар куни”ни доимий равишда ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Вилоят ҳокимлигининг компьютерлаштириш маркази (Б.Ахунбабаев) мазкур қарорни вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими



Х. Бозаров